

ПРОФЕССИОНАЛ НУТҚДА МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ

Мухайё Алишер қизи АСАТУЛЛОЕВА

тадқиқотчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада профессионал нутқда мурожаат шакллариининг ўрни ва аҳамияти, диалектал фаркланиши, турли касблар юзасидан таснифланиши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: социолингвистика, прагматика, мулоқот хулқи, нутқий одат, мурожаат шакллари, муомала, касб-кор, диалект, адресат, адресант.

ФОРМЫ ОБРАЩЕНИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ РЕЧИ

Мухайё Алишер қизи АСАТУЛЛОЕВА

исследователь

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье на примерах анализируются роль и значение форм обращения в профессиональной речи, диалектные различия и классификация по различным профессиям.

Ключевые слова: социолингвистика, прагматика, коммуникативное поведение, речевая привычка, формы заявлений, профессия, диалект, адресат, адресант.

Тил жамият тараққиёти натижасида ривожланар экан, ижтимоий муҳитнинг тил ва унинг намоён бўлиш шакли – нутққа таъсири жуда катта. Инсон мансуб бўлган муҳитнинг табиати, кишиларнинг яшаш тарзи, иш фаолияти, ўқиш тартиби, шароити, атроф-муҳитнинг ўзгариши унинг нутқида ҳам намоён бўлади. Ижтимоий муҳитнинг тилга таъсири масаласи социолингвистик тадқиқотларнинг диққат марказида туради. Филолог олим С.Мўминовнинг мазкур масала билан боғлиқ изланишларида ҳам ижтимоий муҳитнинг мулоқот жараёнига таъсири, яъни қишлоқликлар ва шаҳарликлар нутқининг ўзига хос фарқли жиҳатлари асосан муҳит билан боғлиқ эканлиги таъкидланган.

Муомаланинг турли шакллари миллий ўзига хосликка эгаллиги учун чет тилида сўзланганда, фақат тилнинг ўзига хос анъанавий хусусиятлари – фонетик, лексик, грамматик жиҳатларини нутқда тўғри талқин қилиш билан

чегараланмай, баъзан ахборотнинг жуда кўп қисми шу халқ учун хос миллий нутқ одатини ҳам билиш керак. Муомала жараёни нутқнинг мазмуни билан чегараланмайди, баъзан ахборотнинг жуда кўп қисми суҳбатдошларнинг миллий одатларига хос бўлган лисоний воситалар, нолисоний воситалар, шунингдек, миллий-маиший алоқа воситалари билан берилади. Бу тилдан ташқари бўлган воситалар шу миллат кишисига сезилмайди, улар ҳатто бошқа чет тилида гаплашганларида ҳам, ўз тилларига мансуб мана шу воситаларни беихтиёр қўллайдилар. Нутқий одат бирликларининг ўзига хос аҳамияти, албатта, уларнинг ижтимоий белгилари асосида юзага чиқишидир [3].

Мурожаатлар нутқий одатнинг асосий бирлиги сифатида хизмат қилади ва уларни мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Мурожаат турли йўналишлар томонидан ўрганилганлиги сабабли унинг вазифаси ҳам турлича кўрсатилади. Мурожаат шакллари ўзларининг услубий-прагматик вазифаларига кўра мулоқот оҳангини, алоқа-аралшувнинг функционал соҳасини ифодалайдилар. Мурожаат шакллари барча халқларда мулоқотни зарур тарзда олиб бориш учун катта аҳамиятга эга: мурожаат орқали тингловчининг қайси ижтимоий гуруҳга хослиги, унинг ёши, жинси, бажараётган касб-кори ва бошқа омиллар ёритилиши мумкин.

Сўзловчи ва тингловчининг жамиятда қандай ўрин тутиши, ёши, жинси, лавозими, касб-корига қараб мурожаат шакллари ўзгариб бораверади. Таъкидлаш жоизки, мурожаат шакллари халқнинг ўзлигини англаши ва қай даражада эканлигини кўрсатувчи мезонлардан биридир. “Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда нутқ фаолияти, нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа алмашинувига хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодаладиган, ўзида турлича коннотатив маъноларни семантик “оҳангларни” ташийдиган ўткир таъсирчан воситадир” [1]. Профессор Ш.Искандарова ўзбеклар мулоқотида

ишлатилувчи мурожаат шакллари бир неча омил билан белгилайди [3].

Булар:

- ижтимоий мансублик;
- касб-лавозим, унвон;
- суҳбатдошларнинг таниш-нотанишлиги;
- нутқий ҳаракат шароити;
- мулоқотчиларнинг ёши;
- уларнинг жинси;
- яшаш жойи;
- услубий ҳолати;
- мулоқотчилар характери.

Мурожаат шакллари қайси жиҳатига синфларга ажратиш З.Акбарова ишларида кенг ёритилган бўлиб [2], улар қуйидагилар:

1. Адресат қўллаётган сўзнинг қайси тилга мансублигига кўра.
2. Семантик табиатига кўра.
3. Мурожаат шаклларининг тематик жиҳатдан таснифи.
4. Мурожаат шаклларининг ҳудудий хосланиши.
5. Мурожаат шаклларининг истеъмол фаоллиги бўйича.
6. Мурожаат шаклларининг стилистик томонларини ёритиш.
7. Мурожаат шакллари шаклий жиҳатдан таснифи.
8. Мурожаат шакллари нутқ услубларига кўра хосланиши бўйича таснифи.
9. Тарихийлик жиҳатдан таснифи.

Юқорида келтирилган таснифлардан кўринадики, З.Акбарова касб-хунарга оид мурожаатларни “мурожаатларнинг истеъмол фаоллиги бўйича” таснифига киритади ва шундай изоҳлайди: бу жиҳатдан уларни фаол (актив) ва нофаол (пассив) мурожаат шаклларига ажратади. Фаол мурожаат шакллари ҳозирги кунда адабий ва сўзлашув тилида кенг қўлланилади. Айни вақтда фаол мурожаатлар нутқда одатий сўзларга айланиб улгурган. Бу каби

мурожаат шакллариининг асосини оила-уруғчилик майдонига доир сўзлар ташкил қилади.

Нофаол истеъмолда бўлган мурожаат шаклларига мансуб сўзларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам қўлланиладиган эскирган сўзлар, касб-хунарга оид сўзларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари ушбу мавзу юзасида олиб борилган айрим тадқиқот ишларида мурожаат шакллари қуйидагича таснифланган: мурожаатлар объектив муносабатига кўра, аввало, қуйидаги 3 катта турга ажратилади:

1. Шахсга мурожаат.
2. Нарса-предмет номларига мурожаат.
3. Тангрига мурожаат.

Умуман, ижтимоий муҳит, айниқса, болаликдаги ижтимоий муҳит, нутқда, айнан, мурожаат шаклларида ўзининг аниқ таъсирини кўрсатади. Мурожаат шакллари у ёки бу миллат вакиллариининг мулоқот хулқи аниқ фарқланиб туриши учун ҳам бўлса керак, айнан шу мавзуда турли хил материаллар асосида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо узоқ тарихга ва бой маданий меросга эга бўлган ўзбек халқи нутқи учун хос бўлган мурожаат шакллари, айниқса, бу масаланинг диалект билан боғлиқ социолингвистик хусусиятлари тадқиқ этилмаган [4]. Шу нуқтаи назардан ушбу матнда мурожаат шакллариини социолингвистик, яъни ижтимоий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилдик.

Нотаниш кишиларга нисбатан қўлланиладиган ва диалектлар бўйича фарқланадиган мурожаат шакллариини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин [4]:

1. Қариндош-уруғ номлари орқали мурожаат этиш.
2. Лавозими, касб-кори, вазифа номлари орқали мурожаат этиш.
3. Ҳайвонларнинг номлари орқали мурожаат этиш.

Ўзбеклар табиатан меҳмондўст, очиққўнгил бўлганлиги учун бўлса керак, кўпинча нотаниш кишиларга ҳам қариндош-уруғ номлариини айтиб мурожаат қиладилар. Фарғона вилояти қишлоқларида яшовчи аҳоли нутқида

“уста бува”, “ошпаз амаки”, “қоравул тоға”, “шопир ака” каби мурожаат шакллари кўп қўлланилади.

– *Ассалом алайкум, табиб амаки...*

–*Мен сизга кўк сомса ёпиб келувдим, – Нигина қўлидаги тугунчани хонтахта четига қўйиб, чақалогини бағрига олди.*

–*Ҳа, кўкдан ёнадиган пайт кебқопдимми? Раҳмат қизим, – табиб икки қўлини хонтахта устига ҳассадек тираб, оҳиста ўтирди. Сўнг Нигинага ҳам “ўтир” дегандек имо қилди. (У.Ҳамдам. “Исён ва итоат” романи)*

Нотаниш адресатга ҳайвон номлари орқали мурожаат этишда ҳам ҳар хилликлар кузтилади. Масалан, Фарғонада “тойчоқ”, “қўзичоқ” каби мурожаат шакллари кичик ёшдаги ўғил болаларга нисбатан қўлланилади. Бу ҳақида Р.Дониёров “уй ҳайвонлари номи билан боғлиқ мурожаатлар қипчоқ-ўзбеклари ва қозоқларнинг чорвачилик билан шуғулланганликларидан келиб чиққан”, деган фикрни билдиради.

–*Тойчоғим, ҳув тоғни кўрдингми, тоғни? – қучоғида атрофга қизиқсиниб қараб бораётган ўғлининг эътиборини тоққа қаратмоқчи бўлди у.*

– *То-о, – дадасига тақлид қилди Муҳаммад.*

– *Ҳа, тоғ, ўғлим, тоғ. Борасанми, ўша тоққа?.. (У. Ҳамдам. “Мувозанат” романи)*

Нутқда мурожаат шаклларининг бир кўриниши – “сен” ва “сиз” олмошларининг қўлланилишида ҳам фарқланишлар кузатилади.

Вазият тақозосига кўра мулоқотда баъзан саломлашишдан олдин, баъзан саломлашишдан кейин адресатга қилинган даъват “мурожаат” деб аталади [4]. Айрим адабиётларда мурожаат, чақириш, ундаш оттенкаларини қамраб олувчи сўзларни “вокатив формадаги сўзлар” деб ҳам берилган [5].

Мурожаат шакллари муомала маданиятини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, бу билан адресант адресатга ўз муносабтини ифода этибгина қолмай, ўзининг маданият даражаси ва умумий савиясини ҳам намоиш этади. Мурожаат мулоқотда муҳим аҳамиятга эга бўлиб,

мулоқотнинг қандай давом этиши, кўпинча, шу биргина сўз билан боғлиқ бўлиб қолди. Мурожаат шакллари барча халқларда мулоқотни зарур тарзда олиб бориш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, мурожаат орқали адресатнинг қайси *социал гуруҳга мансублиги, ёши, жинси, ижтимоий функцияси ва бошқа хусусиятлари* ифодаланиши мумкин. Бундан ташқари, мурожаатлар коммуникантларнинг *яшаш жойи, жинси, ёши, касби* ва бошқа ижтимоий белгилари ҳақида ҳам маълумот беради.

–Бемор Набиев, нега ўзингиз билан ўзингиз гаплашиб ўтирибсиз, қани, тўшакка киринг, бошқаларнинг дам олишига ҳалақит берманг, – ёши каттароқ бошқа бир ҳамшира келиб, болани ўрнига ётқизгани каби Оташни жойига ўраб чиқиб кетди (У.Ҳамдам “Оташ” романи).

Мисолда келтирилган бемор Набиев мурожаат шакли адресатнинг ҳозирдаги ижтимоий ҳолати бемор эканлигини кўрсатади.

– Кўйсангизчи, устоз, энди бундан наф йўқ?..

–Сен айтавер, дунёда шундай нарсалар борки, уларни фойда ва зарари кўзга кўринмайди, сўзга эса илашмайди (У.Ҳамдам. “Исён ва итоат” романи).

Келтирилган мисолда мурожаат шакли адресатнинг касби ўқитувчи эканлигини кўрсатмоқда.

–Домла, тўхтанг, соатингиз қолиб кетибди.

Самандар бурилиб қараб, қизга ташаккур айтди, дарс ўтаркан, одатича ечиб, стол устига қўядиган соатини олиб чап билагига тақди (У.Ҳамдам. “Сабо ва Самандар” романи).

Танишув ва таништирув пайтида шахснинг ижтимоий мавқеи жой, ўрин, вазият кабилар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши инобатга олинади. Масалан, ташкилот директори ўз ишхонасида, ўқитувчи мактабда, сотувчи магазинда. Уйида уларнинг ҳар бири кимгадир ота, кимгадир ака, ука ва ҳоказо мавқелар позициясида бўлади.

Шунингдек, шахс қайси касбда фаолият олиб борса, ёки бирор-бир ҳунар билан шуғуланса, шу касб-кор, ҳунар нуқтаи назаридан мурожаат қилинади ва бу сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам қулай бўлади.

– эшитдингизми, йўқми, табиб, бугун шогирдингиз чиқбди? – табиб узатган дори халтачаларини оларкан сўраб қолди кекса бемор [У.Ҳамдам. “Исён ва итоат” романи].

– “Босс”, ўзбек сени қабулга чақиряпти, – Олег масхараомуз кулиб четлашди.

– Ўтқазинглар уни, – ўзи ҳам бир стул олиб Акбарнинг қарашисига, шундоқ тумшуги остига ўтирди “Босс” – нима дейсан, гапир? (У. Ҳамдам. “Исён ва итоат” романи).

Келтирилган парчада *Босс* деб мурожаат қилиш билан, адресатнинг қандайдир гуруҳ, мафияга бошлиқ эканлиги англашилади.

Мурожаат шакллари ўз вазифалари билан алоҳида ўрин тутади, улар сўзлашувчиларнинг ижтимоий муносабатларини уларнинг ижтимоий вазифалари асосида белгилайди. Мурожаат фақат чақириш, хитоб маъноларинигина англатмай, баъзан вазият асосидаги бошқа мақсадларни ифодалашда ҳам хизмат қилиши учратилади [3].

–*Дадаси, нима бўляпти сизга, ўзингизни босинг!* – *Юсуфнинг қўққисдан қўтарилиб кетган овозини эшитган Ойгул шошиб яқин келди, – одамлар қараяпти нима жин урди ўзи сизларни.* (У.Ҳамдам. “Мувозанат” романи)

– *Саккиз тонна, – деди тарозибон Акбарга қараб,*

– *Саккиз тонна! – капалиги учиб кетти Акбарнинг. – Оғайни, яна бир марта тортгин, адашаётгандирсан, балки...* (У.Ҳамдам. “Исён ва итоат” романи).

Келтилган парчада *дадаси* мурожаат шакли адресат асли касби ўқитувчи, лекин мулоқот жараёнида ижтимоий мавқе жой, ўрин, кабилар билан ўзгариб туриши очиқланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, профессионал нутқда мурожаат шакллари мулоқот жараёнига аниқлик, енгиллик киритадиган асосий восита ҳисобланади. Шунингдек, коммуникантлар билан алоқада бўлмаган учинчи шахс ҳам адресат ва адресантнинг ижтимоий келиб чиқиши, касб-кори, миллати каби маълумотларга эга бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг сэмантис-коннотатив тадқиқи: филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 2008.
2. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва уларнинг лисоний тадқиқи: филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 2007.
3. Искандарова Ш. Ўзбек нутк одатининг мулоқот шакллари: филология фанлари номзодлиги диссертацияси автореферати. – Самарканд. 1993.
4. Мўмин С Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: филология фанлари номзодлиги диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2000.
5. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент, 1972.